Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 10 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 187 (13.000)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

"Туркистон" саройида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 2015 йилги мавсум якуни бўйича болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг V республика форуми ўтказилди.

Отабек Мирсоатов олган суратлар

ЭНГ МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Форум ишида касаба уюшмалари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, таълим-тарбия, маънавият ва маърифат, маданият ва спорт тизими мутасаддилари, ўқитувчилар, мураббийлар, оромгоҳлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар навқирон авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш масаласи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этишини таъкидлади.

2015 йилги мавсумга ҳар йилгидан кўра ўзгача тайёргарлик кўрилди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси"га мувофиқ ҳамда ижтимоий ҳамкорлик асосида ташкил этилди.

Мазкур тизимли ишлар натижасида фақат ёз мавсумида эмас, балки йил давомида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўрилиб, барча ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришилди. Натижада мавсум давомида 300 мингдан ортиқ ўғил-қиз оромгоҳларда соғломлаштирилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё вилоятларида яшовчи ўғил-қизлар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, серфарзанд, алоҳида эҳтиёжли оилаларнинг болалари юртимиздаги сўлим оромгоҳларга имтиёзли тарзда жалб этилди.

Болаларни ёзги таътил даврида дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини тизимли назорат ва таҳлил қилиш, мониторингни таъминлаш бўйича доимий фаолият юритувчи Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан оромгоҳларда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни узлуксиз етказиш, малакали кадрларни жалб этиш ва оромгоҳлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди.

Жорий йилда 1 минг 167 оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилди. Стационар, кундузги, меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари билан бирга интеллектуал ривожлантириш, бадиий ижодиёт, ҳарбий-спорт, экологик-биологик таълим, ижтимоий мослашув, ўлкашунослик, техник ижодкорликка ихтисослаштирилган оромгоҳлар фаолият кўрсатгани мактаб ўқувчиларининг маҳорати ҳордиқ чиқариши ва билимларини кенгайтиришида алоҳида аҳамият касб этди.

Болаларни соғломлаштириш билан қамраб олиш кўламини тобора кенгайтириш мақсадида таълим масканлари қошида ҳам кундузги оромгоҳлар ташкил этилди. Уларда махсус дастурлар асосида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, мусобақалар ўтказилиб, ижодий-интеллектуал тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.

Оромгоҳларда маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, уларни сифат ва мазмун жиҳатдан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Барча дам олиш масканларида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Мустақиллик – менинг тақдиримда", "Ўзбекистон – бахтиёр болалар мамлакати", "Касаба уюшмалари – болаларга" акциялари юқори савияда ўтказилди. Тадбирлар давомида истиқлол неъматлари, ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган чексиз меҳр-эътиборнинг моҳияти ва аҳамияти ўқувчиларга кенг тушунтирилди.

– Ёзги таътил давомида оромгоҳимизда 1020 бола соғломлаштирилди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги "Кимёгар" оромгоҳи бош тарбиячиси Клара Маҳмадиёрова. – Кўплаб тўгараклар, спорт машғулотлари, маданий-маърифий тадбирлар махсус режа асосида ташкил этилгани дам олиш мавсуми янада қизиқарли ва завқли ўтишида асосий омил бўлди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлодни юксак интеллектуал салоҳиятли, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасидаги эътиборнинг амалий натижасидир.

Форумда энг намунали деб топилган оромгоҳларнинг раҳбарлари, мураббий ва тарбиячилари, тиббиёт ходимлари, етакчилар, ҳомий ташкилот ва идоралар мутасаддиларига "Бахтиёр болалар мамлакати" статусини эсдалик совғалари, дипломлар ва касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

"Нима қилдик Ватан учун?" ёхуд "Биз, ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!" шиори остида ёшлар фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлимлари, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмалари ҳамкорлигида ўтказилган фестивалда маданият ва санъат соҳаси мутахассислари, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, педагоглар, фаол ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш, навқирон авлодни ҳар томонлама комил шахслар этиб вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур фестиваль доирасида Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик уйида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда шу жиҳатлар янада яққолроқ намоён бўлди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар ёш авлод қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, олижаноблик, инсонпарварлик каби эзгу ғояларни мустаҳкам қарор топтириш, уларда келажакка ишонч, амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

– Юртимизда биз, ёшларнинг билим олишимиз, истеъдодимизни намоён этиш учун қулай шарт-шароит яратилган, – дейди ЎзА мухбирига 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Сардор Зайниддинов. – Бундай эътибор ҳамда юксак ишонч муттасил изланишга, янада фаол ва билдирилган ишончга муносиб бўлишга ундайди. Келажакда шу юртнинг фидойи фарзанди бўлиб, уни кўз қорачиғидек асрашга, яхши таълим олиб, Ватан ҳимоячиси бўлишга ҳаракат қиламиз.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жисмоний имконияти чекланган инсонларни соғлом ҳаётга қайтариш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидандир.

Олмазор туманидаги 1-Мурувват уйида ўтказилган учрашувда юртимизда жисмоний имконияти чекланганларга руҳий ва ижтимоий кўмак бериш каби азалий қадриятларимиз ўз ифодасини топди.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган Мирзо Улуғбек тумани маданият ва аҳоли дам олиш марказининг янги, замонавий биносида ўтказилган «Ижодим сен учун бахшида, Ватан!» деб номланган бадиий тадбир ҳам иштирокчиларга хуш кайфият улашди.

– Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида барпо этилаётган дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари ҳамда шу каби мажмуалар санъатимиз, анъаналаримизни кенг тарғиб қилишдек эзгу мақсадга хизмат қилаётир, – дейди туман маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси мутахассиси Азиза Йўлдошева. – Бу каби ўзгаришлар аҳолининг тобора ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш, ёш авлоднинг лаёқати ва қизиқишини тўғри йўналтириш ва халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Фестиваль давомида пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида истеъдодли ёш ҳунармандлар, рассомларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳридаги барча "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази ўғил-қизларининг юздан зиёд сара асарлари томошабинларга намойиш этилди.

Фестиваль якунида "Туркистон" санъат саройида "Ким эдигу ким бўлдик?" видеофильми ҳамда санъат усталари ва ижодкор ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Ж.Иноғомов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институтининг нуфузини юксалтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини янада кучайтириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг истиқболлари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлари маҳаллани тадбиркорлик марказига айлантириш, унинг асосий йўналишлари бўйича ўнга яқин комиссиялар ишини такомиллаштириш, аҳоли манфаатларини тизимли ҳимоялашга оид ишларни давр руҳига ҳамоҳанг тарзда йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Бу борадаги ишлар Кексаларни эъзозлаш йилида янада кенгайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожи йўлида кўрсатилаётган юксак эътибор юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, ибратли анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлиги, ёшлар тарбияси каби масъулиятли вазифалар ижросини таъминлашда маҳалланинг иштирокини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" республика танловидан кўзланган асосий мақсад истиқлол йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўрсатилаётган юксак эътиборни тарғиб этиш, маҳаллалар фаолиятини чуқур ва атрофлича ўрганиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ушбу йўналишда самарали меҳнат қилаётган маҳалла жонкуярларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимизда ҳарбий мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган кўрик-танловлар Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш, юксак интеллектуал салоҳиятли ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжумани ушбу беллашувларнинг моҳияти ва аҳамиятини атрофлича тушунтиришга бағишланди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ МАҲОРАТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тегишли бошқармалари раҳбарлари, кўрик-танловлар ғолиблари иштирок этган тадбирда Ватан ҳимоячиси шарафли ва масъулиятли касб экани, ҳарбийлар юксак жанговар кўникма ва билим билан бир қаторда кучли ирода ва мустаҳкам ҳаётий позиция, интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши лозимлиги таъкидланди. Ҳарбий мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган кўрик-танловлар ушбу сифатларни янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ўз устида ишлашини кучайтиришга хизмат қилади.

Бугун миллий армиямизда "Энг илғор мутахассис", "Энг илғор олий ҳарбий таълим муассасаси", "Энг илғор сержантлар тайёрлаш мактаби", "Энг илғор мудофаа ишлари бошқармаси", "Энг илғор жанговар машиналар экипажи", "Энг илғор тоғ тайёргарлиги йўриқчиси", "Энг илғор мерган", "Энг илғор сапёр", "Энг илғор артиллерия мутахассиси" каби кўплаб танловлар ўтказилмоқда.

Матбуот анжуманида Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган "Энг илғор мутахассис" кўрик-танлови энг самарали беллашувлардан бири экани таъкидланди.

Ушбу танловнинг "Энг илғор гуруҳ командири" номинациясининг икки карра ғолиби, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисмларидан бирининг гуруҳ секцияси командири Фарҳод Худойқулов сўзларига кўра, беллашувда иштирок этиш унинг касб кўникмасини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Фаолиятида юксак натижаларга эришиш йўлидаги тинимсиз меҳнати ўз самарасини берди. Жорий йилда у "Шуҳрат" медалига сазовор бўлди.

Ўтказилаётган танловлар мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш бўйича ҳарбий бурчни ўташ самарадорлигини ошириш, қўшинларда Ватан ва танлаган касбга муҳаббатга асосланган замонавий ҳарбий анъаналарни қарор топтириш, ҳарбий хизматчилар ўртасида соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

(ЎзА)

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

● Навоийда мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида миллий қўғирчоқлар фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда устаҳунармандлар, дизайнерлар, халқ амалий санъати усталари ва ёшлар иштирок этди.

● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган вилояти Чортоқ тумани кенгашининг ўқув спорт-техника клуби қошида янги ўқув маркази иш бошлади.

● "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши томонидан "Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" шиори остида ўтказилган акция баркамол авлоднинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ташаббус ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни турли зарарли ғоя ва иллатлардан асрашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Акция доирасида фаол ва ташаббускор ёшлар иштирокида ташкил этилган давра суҳбатида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ислоҳотлар, ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида сўз юритилди.

ЖАҲОНДА

● Британиянинг Rolls-Royce компанияси Бразилиянинг Petrobras компаниясидаги коррупция можаросига аралашиб қолгани маълум бўлди. Қайд этишларича, коррупция иши бўйича тергов қилинаётган Petrobrasнинг собиқ менежерлари тилга олган компаниялар орасида Rolls-Royce ҳам бўлган.

● Appleнинг собиқ дизайнери осон йиғиладиган мебелларни етказиб берувчи компанияга асос солди. Campaign компанияси томонидан тайёрланган мебеллар жуда енгил ва уларни қуруқ қўл билан — қўшимча асбоб-ускунасиз тезда йиғиш мумкин. Иккинчи муҳим жиҳат — мебель осон қадоқланади, осон ташилади ва осон етказиб берилади. Масалан, ўриндиқ деталлари автомобилнинг багаж қисмига бемалол сиғадиган FedEx ва UPSнинг стандарт қутиларидан қийинчиликсиз жой олади.

Янги қонун кучга кирди

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлаш ва келажакда ривожланган давлатлар қаторига кириши иқтисодиётнинг номолиявий секторига ички маблағлар ва чет эл инвестицияларини жалб этишга қодир самарали молия бозорини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги шароитда инвестиция ва пай фондлари иқтисодиётни молиялаштириш манбаларидан биридир. Улар ёрдамида фонд бозорига маблағлар оқими, жумладан, инвестиция жараёнига аҳоли жамғармаларини жалб этиш кўпаймоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ва шу йилнинг 25 августида қабул қилинган "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

ЎзА мухбири **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Адҳам ШОДМОНОВ** билан миллий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларини молиялаштириш мақсадида мамлакатимизда жамоавий инвестиция киритиш тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш ва вақтинча бўш маблағларни жалб этишга қаратилган ушбу қонун ҳужжатининг роли ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.

– Пай ва инвестиция фондлари айрим мамлакатлар, умуман, жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Катта ҳажмдаги ресурсларни тўплаб, турли объектларга йўналтирадиган ушбу фондлар ташкилотлар ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида инвестицияларни қайта тақсимлашнинг ўзига хос воситасига айланмоқда. Шу боис мамлакатимизда инвестиция киритишнинг турли усуллари ривожланиб бораётгани ва аҳолининг фонд бозори тўғрисида хабардорлиги ошаётгани муносабати билан инвестиция ва пай фондлари инвестиция киритишнинг энг қулай механизмига айланди.

Хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлаштирилаётгани мамлакатимизда инвестиция фондларини жамоавий инвестиция киритиш механизми сифатида ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Дастлабки босқичда аҳолини давлат корхоналарини акциялаштириш жараёнига кенг жалб қилиш, акцияларнинг барқарор даромад келтиришини таъминлашга қаратилган инвестиция фондлари тармоқларини ташкил этган ҳолда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш мақсадида 1996 йил 18 июндаги "Инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Инвестиция фондлари ўз фаолиятини "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябрдаги "Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ҳам амалга оширди.

Шундай қилиб, инвестиция ва пай фондлари фуқароларимиз учун ўз жамғармаларини кўпайтириш йўлида яна бир янги имконият, бошқача айтганда, одатдаги банк омонатлари ва нақд валютанинг муқобилига айланди.

– Уларнинг фаолиятини тартибга соладиган махсус қонунчилик ҳужжатининг қабул қилинишига нима сабаб бўлди?

– Президентимиз Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганини таъкидлади. "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун ҳам шулар жумласидан.

Янги қонун ҳужжатининг қабул қилиниши, шунингдек, илгари амалда қўлланилган қонунчиликда пай фонди тушунчаси ва уни ташкил этиш тартиби мавжуд эмаслиги, унда уларнинг иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капиталнинг эркин оқимини таъминлаш, инвесторлар ва аҳоли кенг қатламларига капитал бозоридан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш каби вазифаларни самарали бажариш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилмагани билан ҳам боғлиқдир.

Айнан шунинг учун инвестиция ва пай фондлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун қабул қилингани миллий иқтисодиётимиз учун ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонунни сифатли тайёрлаш мақсадида АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Россия ва бошқа мамлакатларнинг инвестиция ва пай фондлари фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари таҳлил қилиб чиқилди. Қонун нормалари ушбу соҳадаги энг яхши халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Энг муҳими, ушбу қонунчилик ҳужжати мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари мутахассислари иштирокида ўтказилган конференция ва суҳбатларда атрофлича муҳокама қилинди. Барча сиёсий партиялар фракциялари уни такомиллаштириш бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди.

– Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонунининг асосий қоидалари хусусида гапириб берсангиз.

– Ушбу қонунчилик ҳужжати 5 боб, 29 моддадан иборат. Уларда инвестиция ва пай фондларини ташкил этишнинг асосий принциплари, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, пай фондларининг иштирокчилари сони ва фаолият муддати бўйича чекловлар, фондлар томонидан жалб этиладиган пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш ва пай фондларини ташкил этишнинг асослилиги механизмлари акс эттирилган.

Чунончи, ушбу қонуннинг 3-моддасига кўра, инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс – акциядорлик жамияти инвестиция фондидир. Инвестиция фонди ўз фаолиятини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

Қонунчиликка кўра, инвестиция фондлари ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган ёки ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган турда бўлиши мумкин. Инвестиция фондининг тури фондининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

4-моддага биноан, инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва ундан ортиқ шахснинг – инвесторларнинг ўзи ишончли бошқарувга берган пул маблағлари йиғиндиси пай фондидир. Пай фонди қуйидаги турда бўлиши мумкин: чиқарилган инвестиция пайларини ишончли бошқарувчи томонидан фондининг маблағлари ҳисобидан қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган пай фонди ёки чиқарилган инвестиция пайларини ишончли бошқарувчи томонидан фондининг маблағлари ҳисобидан қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган пай фонди. Пай фондининг тури пай фондини ишончли бошқариш шартномасида кўрсатилади. Шуни айтиш керакки, пай фонди юридик шахс эмас.

Шунингдек, қонунда "инвестиция пайи" ва "инвестиция активлари" каби тушунчалар ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, ўз эгаларининг пай фондидаги улушини тасдиқловчи ҳужжатсиз қимматли қоғоз инвестиция пайидир. Инвестиция пайига бўлган ҳуқуқлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан инвестиция пайлари эгасининг депо ҳисоб-варағидан бериладиган кўчирма билан тасдиқланади.

Инвестиция фондининг ёки пай фондининг инвестиция портфелини ташкил этувчи қимматли қоғозлар, улушлар, пул маблағлари (жумладан, чет эл валютаси), омонатлар ва кўчмас мулк инвестиция активларидир.

Таъкидлаш керакки, қонунда инвестиция ва пай фондларини ташкил этишнинг асосий принциплари, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фондларни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш механизмлари ҳам белгилаб қўйилган.

Мазкур қонунга кўра, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартнома асосида ишончли бошқарувчи номидан ва унинг ҳисобидан фаолият юритувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсигина инвестиция пайларини бериш, муомаладан чиқариш ва алмаштириш бўйича агент бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг инвестиция пайларини бериш, муомаладан чиқариш ва алмаштиришга доир фаолияти тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

– Инвестиция киритишнинг бошқа механизмлари билан таққослаганда, инвестиция ва пай фондларининг афзалликлари нималардан иборат?

– Инвестиция ва пай фондлари мамлакат иқтисодиётига бавосита инвестиция киритадиган институтлар бўлгани боис, қатор афзалликлар яратади. Масалан, кичик хусусий инвесторлар акцияларни танлаш ва фонд бозорида фаолият юритиш учун вақт ва билимга эга эмас. Бироқ улар ҳам йирик профессионал инвесторлар сингари акция ва облигацияларга сарфланган пул маблағларидан фойда олишни истайди. Бу ҳолатда инвестиция ва пай фондлари профессионал бошқарувни таъминлаши мумкин.

Кўп миқдордаги майда инвестицияларни битта йирик портфель сифатида бошқаришда операциялар кўлами ҳисобидан тежамкорликка эришиш мумкин. Инвестор бундан бошқарув учун кам тўлов шаклида фойда олиши мумкин. Бунинг самарасида инвестиция ва пай фондлари сарф-харажатлар қисқаришини таъминлайди.

Деярли барча мамлакатларда инвестиция ва пай фондлари ҳамда уларнинг ишончли бошқарувчи компаниялари кичик инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган тартибга солиш қонунчилиги объекти ҳисобланади. Шу боис улар фондларга киритилган пул маблағларини ишончли бошқарувчилар тегишли тартибда бошқариши ва уларни ҳимоя қилишига ишончи комил бўлиши мумкин. Айни пайтда инвесторларнинг пул маблағлари ишончли бошқарувчи активларидан алоҳида ҳисобланади. Улардан ишончли бошқарувчи мажбуриятлари бўйича пул ундирилиши мумкин эмас.

Айнан шу боис инвестиция ва пай фондлари кенг доирадаги инвесторлар учун фонд бозорига инвестиция киритишда қулай восита ҳисобланади. Улар фаолиятини қонунчилик, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонуни қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш ҳисобидан бошқариш инвестиция муносабатларини иқтисодий тараққиётнинг жадал суръатларини таъминлаш, таркибий ўзгаришлар жараёнини чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим ва зарур шарти сифатида тартибга солиш имконини беради.

Мехрибон МАМЕТОВА суҳбатлашди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

2015 ЙИЛ 10 СЕНТЯБРДАН 10 ОКТЯБРГА ҚАДАР ТОШКЕНТ ШАҲРИДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ-ЖОЙЛАРНИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИНИ ЯКУНЛАШ ҲАМДА ҲУДУДЛАРНИНГ САНИТАР ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА ХАЗОНРЕЗГИ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ БЎЙИЧА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2015 йил 8 сентябрда "2015-2016 йиллар қиш мавсумини беталофат ўтказишга тайёргарлик кўриш ишларини якунлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" фармойиш қабул қилинди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш тўғрисида"ги Қарорида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш белгилаб қўйилади.

Жумладан, шаҳардаги ҳар бир маҳаллада округ раҳбари, маҳалла оқсоқоли, тегишли хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ижтимоий соҳа объектлари раҳбарлари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари вакиллари билан ҳамкорликда гуруҳлар тузилиб, бир ҳафта муддатда кўп қаватли уй-жой фонди ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг ҳолати, аҳолидан келиб тушган мурожаатлар таҳлили ҳамда ўрганиш натижасида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш бўйича тезкор комплекс чора-тадбирларни белгилаш кўрсатиб ўтилди.

Бунда объектларнинг том ва ертўла қисми, ертўладаги муҳандислик тармоқлари ҳамда уйларнинг кириш йўлаклари ҳолати, ижтимоий соҳа муассасаларида иссиқликни сақлаш бўйича кўрилган чораларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кўп қаватли уйлар ҳолати, уйларни техник соз ҳолда сақлаш бўйича тегишли хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳамкорликда таҳлил қилиниб, "қониқарсиз" деб баҳоланган ширкатлар фаолиятини яхшилаш юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш қайд этилди.

Ҳар бир кўп қаватли уй ва ижтимоий соҳа объектининг қишга тайёрлиги жамоатчилик комиссиялари томонидан жойида кўриб чиқилиб, расмийлаштирилган ҳужжатлар шаҳар штабига топширилади.

Шунингдек, Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбарлари ва туман ҳокимлари зиммасига жорий йилнинг 1 октябрига қадар авариявий узилишларни тезкор бартараф этиш ишларига жалб қилинадиган бригадаларни зарур транспорт воситалари, механизм ва жиҳозлар ҳамда заҳира материаллари билан таъминлаш,ташкил қилинган диспетчерлик хизматлари фаолияти қайта кўриб чиқилиб, мавжуд камчилик ва муаммоларнинг зудлик билан ечимини топиш вазифалари юкланди.

Шу билан бирга Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси қошида ташкил қилинган "1055" марказий диспетчерлик хизматига аҳолидан келиб тушаётган ариза ва мурожаатларни туман ҳокимликлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тезкорлик билан кўриб чиқиши ҳамда камчиликларни қисқа муддатда сифатли бартараф этиш чораларини кўриш белгиланди.

Фармойишда шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, "Махсустранс" корхонаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ўз ваколати доирасида амалга оширилиши лозим бўлган мавсумий ишларнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилиши белгилаб қўйилди.

* * *

КУНИ КЕЧА оммавий-ахборот воситалари ходимлари учун Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2015 йил 8 сентябрдаги "2015-2016 йиллар қиш мавсумини беталофат ўтказишга тайёргарлик кўриш ишларини якунлаш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши мазмун-моҳиятига бағишланган брифинг ўтказилди.

Брифингда Ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори И.Маҳкамов қишга тайёргарлик борасида жойларда олиб борилаётган ишлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган режалар хусусида ахборот берди. Шунингдек, йиғилишда журналистлар томонидан берилган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

МУРОЖААТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЯНГИ ҚОНУН АМАЛДА

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундай жамиятда эса, фуқаролар манфаати, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эъзозланиши, улар томонидан кўтарилган қонун доирасидаги ҳар қандай масала, муаммо ва мурожаатлар тегишли тартибда ўрганиб чиқилиши шарт. Зеро, Бош Қомусимизнинг 35-моддасида белгиланганидек, "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт".

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни Конституциянинг мазкур моддаси асосида қабул қилинган бўлиб, мамлакатимиз фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг мурожаат қилишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини кафолатлайди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ўрнига қабул қилинди, чунки чет давлатларнинг илғор ижобий тажрибаси ҳамда қонунчилик амалиётимизни ҳар томонлама таҳлил этиш натижасида нафақат фуқароларнинг, балки юридик шахсларнинг ҳам мурожаатларини кўриб чиқиш ҳозирги даврнинг долзарб масаласи эканлиги қайд этилди. Зеро, Конституциямизнинг 13-моддасига кўра демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар эса ҳам фуқарога (жисмоний шахсга) ва ҳам юридик шахсга тааллуқлидир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш" деб номланган 100-моддасидаги фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда тадбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Бинобарин, юридик шахслар: корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фирмалар, компанияларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга қаратилган мурожаатлари ҳам ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Мурожаатлар тўғрисидаги янги Қонунда мурожаатларнинг шакллари, турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, мурожаатлар бўйича иш юритиш тартиби, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари тўлиқ ва батафсил баён этилган. Жумладан, мазкур Қонуннинг 19-моддасига кўра ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари давлат органлари фаолияти учун ўзига хос "барометр" ролини бажаради, улар фаолиятидаги камчилик ва нуқсонларни очиб бериб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди.

Мазкур Қонун барча давлат органлари учун дастуруламал бўлади ҳамда бирорта ҳам мурожаат эътиборсиз қолмаслигини кафолатлайди деган умиддамиз.

Нурия ШОҲНАЗАРОВА,
Чилонзор туманидаги
6-сонли давлат нотариал идорасининг
нотариуси

Шерабод Назаров олган сурат

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этган танловнинг мамлакат босқичи маҳаллалар фаолиятига бағишланган кўргазма намойиши билан бошланди.

Кўргазмада маҳаллаларнинг бунёдкорлик, ободонлаштириш, аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш борасидаги ишлари, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшлар тарбияси, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли бандлиги каби маънавий-маърифий йўналишдаги фаолияти ҳақидаги стендлар, плакат ва фотоальбомлар, халқимизнинг тарихий, миллий қадриятлари, турмуш маданиятини акс эттирувчи ҳунармандлик, халқ амалий санъати буюмлари намойиш этилди.

Ғолибларни аниқлашда иштирокчиларнинг иш фаолиятида эришган ютуқлари, ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш борасидаги ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Фуқаролар йиғини раиси, котиби, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси сардорининг ҳуқуқий билими, фаолиятида дуч келадиган масалаларни қандай ҳал этиши синовдан ўтказилди.

Кўрик-танловда Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги "Юлдуз" маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади.

– Президентимиз раҳнамолигида маҳалла фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик юксак самаралар бермоқда, – дейди "Юлдуз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жонобил Юсубалиев. – Ўтган йиллар мобайнида маҳалламизда кўплаб янги ижтимоий объектлар, гузар ва болалар спорт майдончалари барпо этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожи аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Анъанавий ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов илғор иш тажрибаларимизни ўрганиш ва оммалаштиришда фойдали бўлаётир.

Иккинчи ўринни Жиззах шаҳридаги "Қипчоқ", учинчи ўринни Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги "Қоровултепа" маҳалла фуқаролар йиғини қўлга киритди.

Танловда яна бир неча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Таниқли санъаткорлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Тошкентда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижалари, соҳага халқаро ҳуқуқий механизмларни кенг жорий этиш бўйича истиқболдаги вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲИМОЯСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, таълим ва илмий муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатида болаларга алоҳида эътибор қаратиш ва ғамхўрлик қилиш масаласи ўз ифодасини топган. Президентимиз ташаббуси билан ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларга ажратилаётган давлат бюджети маблағлари ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Болалар манфаатларини ҳимоя қиладиган миллий қонунчилик мунтазам такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси иштирокчиси сифатида ушбу ҳужжатнинг барча талабларини қатъий бажариб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни таъминлайдиган юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатдан иборат қонунчилик базаси шакллантирилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Роберт Фудерич, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари, элчи Юрий Штерк ва бошқалар шу ҳақда тўхталди.

Мамлакатимизда чақалоқлар ва болалар ўлимининг камайгани ҳам эътиборга лойиқдир. Масалан, сўнгги 15 йилда беш ёшгача бўлган болалар ўлими 12 фоизга пасайди. Ҳомиладор аёллар ва чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизими ходимларининг малакасини оширишга доир, шунингдек, аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар бу борадаги кўрсаткичларни янада яхшилашга ёрдам беради.

Айни пайтда болаларнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларидан хабардорлик даражасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида инсон ва бола ҳуқуқлари, одам савдосига қарши курашиш ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга бағишланган дарслар ўтилмоқда. 2014 йилда 1-7 синф ўқувчилари учун "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", 8-9 синф ўқувчилари учун "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Конституциявий ҳуқуқ асослари" фанлари доирасида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини ўрганиш ташкил этилган.

– Ўзбекистон бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида катта ютуқларга эришди, – дейди ЎзА мухбирига бола ҳуқуқлари бўйича халқаро эксперт, БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси аъзоси Ренате Винтер. – Ювенал юстицияни ривожлантириш борасидаги ютуқлар ҳам шулар жумласидан. Ўзбекистонда болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича "ишонч телефонлари", ижтимоий мослашув марказлари каби махсус тузилмалар ташкил этилган. Умумтаълим мактабларида мактаб психологи лавозими жорий этилган. Бу давлатингиз ва жамиятингизнинг болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга тааллуқли Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари самарасидир.

Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг институционал базасини янада такомиллаштириш, хусусан, вазирлик ва идоралар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти мувофиқлаштирилишини кучайтириш бу борадаги фаолият кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

М.ҚАРШИБОЕВ

"БОЛАЛАР КИТОБИ" II РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАМАТ!

Ҳурматли юртдошлар!

Муҳтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жорий йилнинг 17-19 сентябрь кунлари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида "Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги!" шиори остида **"Болалар китоби" II Республика фестивали** ўтказилмоқда.

Фестиваль доирасида болаларга мўлжалланган турли жанрдаги адабий-бадиий асарлар, илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдимотлари, таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, болалар театрлари, республика қўғирчоқ театри артистларининг томошалари, санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концертлари ташкил этилади.

Фестивалнинг асосий тадбирлари 17-19 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрининг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади.

17 сентябрь куни соат 16:00 да "Туркистон" санъат саройида "Болалар китоби" II Республика фестивалининг очилишига бағишланган "Китоб – маънавият сарчашмаси" номли тантанали маросим ва шоу-концерт ташкил этилади.

Фестиваль тадбирларига кириш эркин!

Маълумот учун телефонлар: 244-12-61, 244-32-33.

Китоб — маънавият сарчашмаси

Оқил Ғуломов олган сурат

Айни кунларда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида туманларда "Соғлом оила — соғлом келажак" йўналишида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ҳамда "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари", "Репродуктив саломатлик" мавзуларида тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

СОҒЛОМ ОИЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали, шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, даволаш профилактика муассасалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган тадбирлар доирасида аҳоли саломатлигини яхшилаш, муҳофазалаш ва мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Юнусобод туманидаги Марказий кўп тармоқли поликлиника ва 53-оилавий поликлиникада ўтказилган чуқурлаштирилган тиббий кўрикка нуроний отахон ва онахонлар, ёш оналар ва аҳолининг барча қатлами қамраб олинди.

Малакали мутахассислар, замонавий тиббий жиҳозлар, лаборатор текширувлари жамланган кўчма гуруҳ ёрдамида фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилди.

— Оилаларда тиббий маданиятни ошириш ва аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишга қатъий ёндашиб иш олиб бормоқдамиз, — дейди 53-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Ғайрат Қудратов. — Шифокорларимиз аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш баробарида маҳаллалар ҳамкорлигида турли тадбирларни ҳам ташкиллаштирмоқда. Айниқса ёш оналарга эътибор қаратиб, уларнинг соғликларини назоратга олиш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш, турли юқумли хасталикларни вақтида эмлаш борасида режали ишларни амалга оширмоқдалар.

* * *

Яшнобод туманидаги 198-умумтаълим мактабида ўтказилган тадбир эса "Репродуктив саломатлик", "Соғлом турмуш тарзи ва зарарли илатлар" деб номланди.

Унда, қарияларимиз соғлиғини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, турли касалликларнинг олдини олиш, ўсмир қизлар гигиенаси, рационал овқатланиш ва камқонлик, болалар парвариши каби мавзуларда сўз борди.

— Аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш доирасидаги барча тадбирларимиз инсон саломатлигини яхшилаш ва турли касалликларнинг олдини олишга қаратилган, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари Азизбек Низамов. — Айни пайтда барча туманларда ўтказилаётган тадбирларда нуронийларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, оналик ва болаликни асраш, соғлом оилани шакллантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш борасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадбирларда қарияларимиз соғлиғини мустаҳкамлаш, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, зарарли одатларнинг инсон соғлигига ножўя таъсири, ҳомиладор аёллар ва бир ёшгача бўлган болалар парвариши хусусида малакали мутахассисларимиз томонидан керакли маслаҳатлар, йўриқномалар бериб борилмоқда.

Дарҳақиқат, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали томонидан ўтказилаётган тадбирлар нафақат оналар ва болалар, балки барча фуқароларнинг саломатлигини яхшилашга, турли юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган.

198-умумтаълим мактабида ўтказилган тадбирда "Катта Янгиобод", "Ойдинкўл", "Янгинур", "Гулистон", "Янгиобод" маҳаллалари фаоллари, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Маҳалла

ҲЕЧ КИМ МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Маҳалла — миллий қадриятлар маскани. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд оилаларга беминнат ёрдам қўлини чўзиш, боқувчисини йўқотган, кекса, ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш каби азалий удумларимиз маҳаллада ўз аксини топган.

Ёши улуғ, кекса ва табаррук қарияларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёшларни ота-она ва қарияларга нисбатан меҳр-оқибат кўрсатиш руҳида тарбиялаш маҳаллада алоҳида ўрин тутади. Учтепа туманидаги "Кўҳна Чўпон ота" маҳалласида ҳам бу каби ҳайрли анъаналарга алоҳида эътибор қаратилган.

— Бугунги кунда кексаларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар бирининг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди "Кўҳна Чўпон ота" маҳалласи фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хадича Мирзаева. — Саъй-ҳаракатларимиз натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини кенг жалб қилиш" мавзуси бўйича ўтказилган танловда грант соҳиби бўлдик.

Биз ушбу танловда кексаларнинг мазмунли дам олишлари ва маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкиллаштириш, уларни фаол дам олишга жалб этиш, қариялар учун мулоқот ва дам олиш марказлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларга кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтиришга қаратилган "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" лойиҳамиз билан қатнашдик. Лойиҳа доирасида асосий эътибор "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматларни кенгайтириш ва уларни қарияларимизнинг ўзига хос хусусиятлари, эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга қаратилган. Лойиҳа ижроси Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда маҳалламизда амалга оширилади. Лойиҳага кексалар ва ногиронларнинг ҳам жалб этилиши, тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш ишларида уларнинг фаол қатнашишлари кўзда тутилган Бугунги кунда маҳалламиз идораси қошида кексалар учун мулоқот хонасини очиш учун таъмирлаш-қурилиш ишларини бошлаб юборганмиз.

Мақсадимиз бугунги дориломон кунларимиз учун озми-кўпми меҳнати билан ҳисса қўшган, энди эса кексайиб, фарзанду набиралар даврасида умргузаронлик қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, кексаларнинг билими, тажрибаси ва меҳнат салоҳиятини ўрганиб, улардан фойдаланиб, устоз-мураббийлик анъаналари асосида маҳалла ҳудудида тўгараклар ташкил этиш, 40-50 йилдан ортиқ биргаликда аҳил-иноқ яшаб келаётган, ўзининг фидокорона меҳнати ва жамиятимизга муносиб фарзандларни тарбиялаш билан барчага намуна бўлаётган ота-оналарга бағишланган "Меҳр-муҳаббат ва тотувликда кечаётган узоқ умр" мавзуида тадбирлар уюштириш, турли мусобақалар ташкил этишдир. Бу билан биз кексаларимизнинг ҳамиша бизга кераклиги, меҳр ва эътиборимизда эканликларини кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ДОИМИЙ ЭЪЗОЗ ВА ҲУРМАТДА

Кексаларни қадрлаш, ёши улуғ отахону онахонларга ҳурмат кўрсатиш, уларни йўқлаб туриш, байрамлар ва бошқа хурсандчилик кунларда уларга яхши кайфият улашиш, бир пиёла чой устида кўнгилларини шод этиш халқимизга хос эзгу одатдир.

Давлатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги ҳамда "Кексаларни эъзозлаш йили" муносабати билан жойларда ёши улуғ инсонлар иштирокида кўплаб байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Жар" спорт-соғломлаштириш комплексига қарашли Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида бўлиб ўтган тадбир ҳам ана шундай эзгу ишлардан бири бўлди.

Унда халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида кўп йиллар хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган ички ишлар идоралари фахрийлари, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда бошқа меҳмонлар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар, бунёдкорлик ва ривожланишлар ҳақида гапириб, бунинг асосий сабабчиси бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осудалик эканини алоҳида таъкидлашди.

– Ҳозирги тинч ва осойишта кунларнинг нечоғлик қадрли эканини биз, кексалар жуда яхши ҳис этамиз, – дейди ИИВ фахрийлар кенгаши аъзоси, истеъфодаги полковник Миразим Сагатов. – Чунки, истиқлолдан олдинги қийинчиликларни кўрдик, оғир шароитларда меҳнат қилдик. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач эса ҳаммаси яхши томонга ўзгарди. Аҳолининг яшаш тарзи, ёшларга қаратилаётган эътиборни кўриб ҳавасинг келади. Буларнинг бари мустақиллигимиз шарофати биландир.

Эл суйган санъаткорлар ҳамда Ички ишлар вазирлиги Ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга янада кўтаринки кайфият улашди.

Абдували СОДИҚОВ

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари Самарқанд шаҳрига саёҳат қилди.

Саёҳат "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида уюштирилди.

Мамлакатимизда ҳар бир ўғил-қизга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни руҳий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш доимий эътиборда. Ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш бу йўналишдаги ишларнинг узвий давомидир. Болалар учун ташкил этилган ушбу саёҳат ҳам шу мақсадларга хизмат қилади.

Саёҳат давомида болалар Самарқанднинг ноёб меъморий обидалари ҳамда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истиқлол йилларида шаҳарда барпо этилган маданий-маърифий иншоотлар, сайил-гоҳлар ва боғларни томоша қилди. Бу каби саёҳатлар ёш авлодни халқимизнинг бетакрор маданий меросига ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

– Ушбу саёҳатдан кўплаб таассуротлар олдик, – дейди Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Умида Пардаева. – Кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳар дея таъриф бериладиган Самарқанднинг ўтмиши қанчалик буюк бўлса, кейинги йилларда бу ерда амалга оширилган ўзгаришлар унинг шуҳратини янада оширганига гувоҳ бўлдик. Тарихи бой, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг фарзанди, юксак ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳияти билан дунёга машҳур аждодларнинг вориси эканимиздан фахрланамиз.

(ЎзА)

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Учтепа Ўқув спорт техника клуби" унитар корхонаси томонидан "Ўзбекистон: кеча ва бугун" деб номланган тадбир ташкил этилди.

Унда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар, туманда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда нуроний кексалар қатнашди. Тадбирда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Учтепа тумани бўлими раиси Иброҳим Иноғомов, "Учтепа ЎСТК" УКнинг Маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий-оммавий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари Севара Алимджанова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида кекса авлод вакилларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муносиб турмуш шароитларини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани, тинч-хотиржамликда кечаётган турмушимизга шукрона келтиришимиз лозимлиги, юртимиз мисли кўрилмаган даражадаги ютуқларни қўлга киритаётганини алоҳида таъкидлашди.

Тадбир ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва қалбида миллий қадриятларга ҳурматни шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Киргизбой Камолов, Илья Корсаков, шунингдек, фахрий ва фаол кексалар Холмат Аҳборов, Турдибой Исроилжоновлар бундай ҳурликка эришиш йўлида қанчадан-қанча юртдошларимиз жонини фидо этгани, мустақиллик туфайли фаровон ҳаётда умргузаронлик қилишаётгани, ёшларга қарата дориломон кунларнинг қадрига етиш муҳимлигини айтиб ўтишди.

Ҳақиқатан ҳам "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик" дея фикр-мулоҳаза юритилса, ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимизда ҳар бир соҳанинг ривожланиб бораётгани, эришилаётган ютуқларнинг дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганини кўриш мумкин.

Тадбир сўнгида "Кексалик завқи" деб номланган ўқ отиш мусобақаси ўтказилди. Мусобақада Турдибой Исроилжонов юқори кўрсаткич билан ғолиб бўлди. Барча иштирокчиларга унитар корхона раҳбари Аваз Рашидов томонидан совғалар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Спорт янгиликлари

Муҳаммад Амин олган суратлар

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Филиппинда футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг Осиё қитъаси бўйича "Н" гуруҳ баҳси Филиппин — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг иккинчи босқичи доирасида ушбу гуруҳда уюштирилган иккинчи тур беллашувларидан кейин турнир жадвалида терма жамоамиз учун хавотирли вазият вужудга келган эди. Сабаби, ҳамюртларимиз Шимолий Корея терма жамоасига имкониятни бой беришган, яманликларни Тошкентда 1:0 ҳисобида енгишган эди. Шу боис турнир жадвалида Самвел Бабаян шогирдлари учинчи ўринга жойлашиб гуруҳ пешқадамига етиб олишга уринаётган бир паллада қолган барча учрашувларни фақат ғалаба билан якунлашлари талаб этилади. Боз устига Филиппин терма жамоасининг иккита ғалабани қўлга киритиб иккинчи ўринда бораётгани футболчиларимиздан фақат ғалаба учун курашишни талаб этарди.

Дарҳақиқат, ҳамюртларимиз бу гал ажойиб ўйин намойиш этишди. Учрашувнинг дастлабки дақиқасидаёқ Одил Аҳмедов рақиб дарвозасига гол киритди. Ушбу тезкор гол терма жамоамиз футболчилари руҳини кўтариб юборди. 14-дақиқада Сардор Рашидовнинг кучли зарбасини мезбонлар дарвозабони қайтара олмади. Биринчи бўлим якунланиши арафасида Игорь Сергеев ҳам дарвозани аниқ нишонга олиб, мухлисларни хурсанд қилди.

Ҳисобда 3:0 ҳисобида олдинда бораётган терма жамоамиз иккинчи бўлимда хотиржам ўйнашга интилди. Ҳужумлардан бирида бурчак тўпини Станислав Андреев жарима майдонига аниқ етказди. Ҳаводан келган тўпни яна Сергеев боши билан дарвозага аниқ йўллади — 4:0.

Шундан кейин мезбонлар ҳам бир-икки марта Лобанов дарвозасига ҳужумлар уюштиришди. Лобановнинг олдинга чиқиб кетганидан мезбонлар футболчиси Шрёк фойдалана олди. У узоқ масофадан тўпни Лобанов дарвозасига жойлаб қўйди. Бироқ, учрашув якунланишига 10 дақиқа қолганида Рашидов яна рақиб дарвозасига гол киритди ва терма жамоамизнинг 5:1 ҳисобида ажойиб ғалаба қозонишига ҳисса қўшди.

Ушбу муҳим ғалабадан кейин терма жамоамиз очколари сонини олтитага етказиб,турнир жадвалида иккинчи поғонага кўтарилиб олди.

Гуруҳнинг иккинчи баҳсида Баҳрайн Яман термаси устидан йирик ҳисобдаги ғалабага эришди.

Энди 8 октябрда жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг навбатдаги гуруҳ баҳслари бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Баҳрайн терма жамоаси меҳмони бўлади.

Шаҳримиздаги Халқаро бизнес марказида УЕФА Чемпионлар лигаси мусобақасининг "UZREPORT TV" телеканали томонидан трансляцияси бошланишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ФУТБОЛ МУХЛИСЛАРИ УЧУН ЯНГИЛИК

Айтиш керакки, "UZREPORT TV" телеканали УЕФА Чемпионлар лигаси мусобақасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензион пакетни харид қилган. Ушбу пакет мусобақадан ўрин олган футбол учрашувларини, шунингдек, учрашувларнинг қизиқарли вазиятлари ва ўйинларга оид бошқа қизиқарли маълумотлар акс этган "Highights" ва "Magazines" каби кўрсатувларни телевидение, Интернет тармоғи ва мобиль алоқа тизими орқали трансляция қилишнинг эксклюзив ҳуқуқини ўз ичига олади.

Матбуот анжумани УЕФА Чемпионлар лигаси ўйинларининг трансляцияси билан боғлиқ батафсил маълумотларни кенг оммага тақдим этиш ва футбол мухлислари томонидан шу мавзуда йўлланаётган кўплаб саволларга жавоб бериш мақсадида ташкил этилди. Унда УЕФА таркибига кирувчи футбол клубларининг эксклюзив тижорат агенти ҳисобланган "TEAM Marketing" (Швейцария) агентлиги ҳамда "SARAN MEDIA INTERNATIONAL" (Мальта) компанияси вакиллари, шунингдек, "UZREPORT TV" телеканалининг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

— "UZREPORT TV" телеканали УЕФА Чемпионлар лигаси футбол учрашувларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида трансляция қилиш ҳуқуқини расман қўлга киритган биринчи телеканалга айланди, — дея таъкидлаб ўтди "TEAM Marketing" агентлиги вакили Михаил Стародубов.

"UZREPORT TV" телеканали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва телетомошабинлар орасида спортга бўлган қизиқишни ошириш мақсадида жорий йилда спорт мавзусини янада ривожлантиришга қаратилган янги концепцияни тасдиқлади.

— УЕФА Чемпионлар лигасидан ўрин олган футбол учрашувларининг тўғридан-тўғри трансляцияси медиа ҳуқуқини харид қилишдан кўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимиздаги кўп сонли футбол ишқибозларига бутун дунёдаги мухлислар билан бир қаторда ўзларининг севимли футбол клубларига мухлислик қилиш имконини тақдим этишдан иборат, — деди "UZREPORT TV" телеканалининг бош директори Равшан Джураев.

УЕФА Чемпионлар лигаси учрашувларининг 2015/16 йилги тақвимига мувофиқ "UZREPORT TV" телеканали орқали ўйинларнинг тўғридан-тўғри трансляциялари 15 сентябрдан бошлаб амалга оширилади. Қайд этиш жоизки, "UZREPORT TV" телеканали юқорида келтирилган ҳуқуқларни учта мавсум учун сотиб олган бўлиб, 2015/2016, 2016/2017, 2017/2018 мавсумларини қамраб олади.

Тадбир давомида УЕФА Чемпионлар лигаси ўйинлари трансляцияси ҳуқуқи харид қилинишидан ташқари, "UZREPORT TV" телеканали томонидан EURO 2016 — футбол бўйича Европа чемпионати ўйинларини ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эксклюзив тарзда телевидениеда тўғридан-тўғри намойиш қилиш бўйича келишув имзолангани ҳақида хабар берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мутахассис маслаҳати

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТДАН САҚЛАНИНГ

Вирусли гепатитнинг А ва Е турлари юқумли касаллик бўлиб бунда вирус жигар ҳужайраларини жароҳатлайди. Вирус оғиз орқали вирус билан зарарланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш оқибатида юқади.

Касаллик гепатит билан оғриётган беморлардан юқади. Шунингдек, касалликнинг юзага келишида тозаликка риоя қилмаслик, яъни овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювмаслик, мева сабзаотларни ювмасдан истеъмол қилиш ва қайнатилмаган сувни ичиш сабаб бўлади. Шунинг учун касаллик кўпроқ болаларда учрайди. Пашшалар касалликнинг юқишида етакчи роль ўйнайди.

Организмга вирус тушиши билан касаллик бирданига бошланмайди. Дастлаб вирус организмда кўпаяди. Бу давр клиник белгиларсиз кечади ва касалликнинг яширин даври дейилади. Бу давр гепатитнинг А ва Е турларида 3-6 ҳафтагача давом этиши мумкин.

Касаллик ҳолсизланиш, иштаҳанинг йўқолиши, кўнгил айниши, овқатланишдан кейин қусиш каби белгилар билан бошланади.

Шундан сўнг касалликнинг сариқлик даври бошланади. Бунда кўзнинг шиллиқ қавати, тери сарғая бошлайди. Сарғайиш даври 1-2 ҳафтагача давом этади.

Беморга бадандаги сариқлик ўтгунча, одатдагидан кўра кўпроқ суюқлик ичиринг. Унга газланмаган сув, наъматак дамламаси, унча ширин бўлмаган компотлар, оддий қайнатилган сув бериш керак. Бунда болага турли ширин тижорат ичимликлари (кока-кола, фанта ва бошқалар)ни бериш мумкин эмас.

Беморга қайнатиб ёки буғда димлаб пиширилган таомлар беринг.

Қовурма таомлар, думба, чарви каби ҳайвон ёғларидан тайёрланган таомларни истеъмол қилиш мумкин эмас. Парҳезга риоя қилиш зарур.

Тўғри ташкил этилган парҳез жигарни зўриқтирмайди ва фаолиятининг тез тикланишига ёрдам беради.

Вирусли гепатитнинг В, С ва Д турлари ҳам юқумли касалликлар бўлиб, бунда вируслар айнан жигар ҳужайраларини жароҳатлайди. Бу вируслар одам организмига қон ва жинсий йўллар орқали ўтади.

Организмга вирус тушиши билан касаллик бирданига бошланмайди, дастлаб вирус организмда кўпая бошлайди. Бу жараён клиник белгиларсиз кечади ва касалликнинг яширин даври дейилади. Гепатитнинг В, С, Д турларида яширин давр 6 ойгача давом этиши мумкин.

Касалликнинг бошланғич даврида дармон қуриши; иштаҳанинг йўқолиши; кўнгил айниши; овқатланишдан кейин қусиш каби ҳолатлар кузатилади.

Баъзида касаллик оёқ бўғимларининг оғриши, грипп кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Беморнинг пешоби қизаради (меъёрда пешоб тўқ сариқ рангда бўлади).

Касалликнинг сарғайиш даври 1-2 ҳафта давом этади. Бу даврда аввал кўзнинг шиллиқ пардаси, тирноқ ва тери сарғаяди. Вирусли гепатитнинг В, С турларида кўп ҳолларда яққол сариқлик белгилари кузатилмайди.

Яққол сариқлик белгилари кузатилмаслиги оқибатида В, С, Д гепатити касаллиги кўп ҳолларда яширин кечади. Касалликнинг вақтида аниқланмаслиги ва даволанмаслиги жигар фаолиятининг етишмовчилиги, жигар циррози каби оғир асоратларни юзага келтириши мумкин.

Вирусли гепатит В касаллигининг олдини олишда энг самарали восита, бу эмлашдир. Ҳозирги вақтда болалар эмлаш календарига мувофиқ гепатит В га қарши эмланади. Гепатит С га қарши вакцина ҳали ишлаб чиқилмаган.

В, С, Д гепатити юқмасин десангиз шахсий гигиена қоидаларига риоя қилинг — тиш чўткаси, соқол олиш, тирноқ тозалаш асбобларидан фақат шахсий тарзда фойдаланинг; ҳимояловчи воситалардан тўғри фойдаланмаганда таносил касалликлари, шунингдек, гепатитнинг В, С ва Д турларидан ҳимоя қилади; ҳар гал укол олаётганингизда бир марталик шприцлардан фойдаланинг; тиббий муолажа олаётганингизда зарарсизлантирилган асбобларнинг ишлатилишига қатъий эътибор беринг. Ичкиликбозлик, кашандалик каби ярамас иллатлардан йироқ бўлинг; ўзингизни, фарзандларингизни гепатит В га қарши эмлатинг.

Соғлиғингиз ўз қўлингизда. Уни доимо авайлаб-асрашликка ҳаракат қилинг. Инсон бахти, саодати ва камоли унинг саломатлигига боғлиқдир.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Таиландда бўлиб ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида терма жамоамиз аъзолари мухлису мутахассислар ишончини оқлаган ҳолда юртимизга жами бўлиб саккизта медаль билан қайтиб келишди.

Хусусан, Ҳасанбой Дўсматов ва Бектемир Меликўзиев ўз вазн тоифалари бўйича Осиё қитъасида тенгсиз боксчи эканликларини исботлаб, мусобақанинг олтин медалларини қўлга киритишди.

Шунингдек, вакилларимиздан Шаҳобиддин Зоиров, Муроджон Аҳмадалиев, Фазлиддин Ғоибназаров, Элшод Расулов, Рустам Тўлагановлар нуфузли турнирнинг финалига қадар етиб келиб кумуш медаллар соҳибига айланишди. Ярим финал жангида мўғулистонлик Дорьнямбуу Отгондалайга имкониятни бой бериб қўйган Элнур Абдураимов эса бронза медалга сазовор бўлди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни банд этган терма жамоамиз аъзоларининг келгуси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI олимпия ўйинларида ҳам юқори ўринлар учун рингга кўтарилишларини кутиб қоламиз.

Ботир ХЎЖАЕВ

"ИСТИҚЛОЛ" — ТУРНИР ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясида курсантлар ўртасида спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар уюштириш анъанага айланган.

Академияда ёшларнинг жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари учун жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга катта эътибор қаратиляпти. Шу туфайли ҳам халқаро миқёсдаги турнирларда Академия спортчилари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб совринли ўринларга эга-лик қилмоқдалар.

Яқинда мазкур илм маскани ёшлари ўртасида футбол бўйича турнир ташкил этилди. Унда иккинчи босқич курсантларидан иборат жамоалар ғолиблик учун астойдил кураш олиб боришди. Финалда "Истиқлол" ва "Сарлочин" жамоалари бош соврин эгаси бўлиш учун ўзаро беллашишди. Қизиқарли, шиддатли ва кескин курашлар остида кечган баҳс якунида 3:2 ҳисобида зафар қучган "Истиқлол" жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Россиянинг Ростов шаҳрида футбол бўйича 2001 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган жамоалар ўртасида уюштирилган "Виктор Понедельник кубоги" халқаро турнири якунига етди.

ПАХТАКОРЧИЛАР — СОВРИНДОР

Қувонарлиси, унда "Пахтакор" футбол клуби академиясининг 2001 йилда туғилган ўсмирлардан таркиб топган жамоаси ҳам иштирок этди. Ёш пахтакорчилар ўтказилган 5 та учрашувда 8 очко жамғариб фахрли учинчи ўринни эгаллашди. 5-турда ҳамшаҳарларимизнинг Виктор Понедельник академияси жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг натижани қайд этишгани эътиборли.

Халқаро турнирда ғолиблик Грециянинг ПАОК жамоасига насиб этган бўлса, фахрли 2-ўринни "Анжи" клуби тарбияланувчилари эгаллашди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЎСМИРЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Мамлакатимизда ҳар жиҳатдан етук авлодни камол топтириш учун зарур бўлган барча шароитлар тўла-тўкис яратилган. Ҳавас қилса арзийдиган ўқув масканлари, мактабгача таълим муассасалари келажагимиз авлодлари учун хизмат қилмоқда.

Болаларнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиши учун турли хил кўнгилочар ўйинлар, асфальтга расм чизиш ва бошқа қўплаб мусобақаларнинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу каби тадбирлар жажжи болажонларнинг ақлий жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Сергели ТХТМФМТТЭБ тасарруфидаги 589-мактабгача таълим муассасасида "Яшил чироқ – 2015" кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели ЎСТК" унитар корхонаси томонидан тумандаги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбир тарбияланувчилар қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш муҳимлигини тушунтириш мақсадида ўтказилди. Унда тумандаги 565-мактабгача таълим муассасасининг "Дўстлик", 589-мактабгача таълим муассасасининг "Шодлик", 598-мактабгача таълим муассасасининг "Омад", 599-мактабгача таълим муассасасининг "Қалдирғоч" ҳамда 605-мактабгача таълим муассасасининг "Қуёшча" жамоалари аъзолари маҳоратларини намоён этишди. Жамоалар саф тайёргарлиги, йўл ҳаракати қоидалари белгилари бўйича саҳна кўриниши, ҳамшираллар, йўл назорати инспектори танловлари, велосипед ва автомоби бўйича мусобақаларда қатнашишди.

Мусобақа якунида ғолиб жамоаларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар тантанали равишда топширилди.

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг комил инсон бўлиб вояга етиши йўлида олиб борилаётган ижобий ишлар бесамар кетмаяпти. Уларнинг келгусида юқори чўққиларни забт этишларида бундай кўрик-танловларнинг ўрни беқиёслиги сир эмас.

Зарина РУСТАМОВА

Тошкент Ахборот технологиялари университети раҳбарияти "Электроника ва радиотехника" кафедраси профессори, техника фанлари номзоди **Амонжон Абдумажидович АБДУАЗИЗОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

— 33-35 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **11 сентябрь** ва **12 сентябрь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **11 сентябрь** куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9221
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6378 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ